

10/2022 - сонли ШАРТНОМА
(Лойиҳавий таъминлаш)

Олмалик ш.

"22" июль 2022 йил

Бундан буён Буюртмачи деб юритиладиган **Олмалик шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси** номидан бошлиқ **К.К.Рахимов** ва кейинги ўринларда Пудратчи деб юритиладиган **ООО „АБ-ТОҶИР-GRUP“** номидан раҳбар **Асадуллоев Б** куйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи Буюртмачининг топшириғи бўйича белгиланган муддатда **Олмалик шаҳар "Бустон" Маҳалла фуқаролар йиғини ички кўчаларини асфалтлаш (жорий таъмирлаш)** объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва мазкур ҳужжатларни белгиланган тартибда Буюртмачига топшириш мажбуриятларини, Буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Бажариладиган ишлар 2022 йил 22.08 даги 10/2022 сонли тасдиқланган топшириққа ва соҳага оид қонун талабларига асосан амалга оширилади.

1.3. Шартнома лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга, қидирув ишларини бажаришга, лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли экспертиза кўригидан ўтказиб ижобий хулоса олишга, муаллифлик назорати олиб бориш ва техник шартларни ва АПЗ тайёрлаш, объектининг лойиҳавий таянч нукталарини жойида боғлаш (разбивка) билан боғлиқ бошқа ишларга тузилган.

1.4. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қидирув ишларини бажариш, экспертиза кўригидан ўтказиб ижобий хулоса олишга лойиҳа ечимини ҳимоя қилиш ҳамда буюртмачига топшириш ишлари, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика Ҳазначилигида рўйхатдан ўтган кундан бошланиб, 30 кун муддатда тугатилади (муаллифлик назорати ишларидан ташқари). Ушбу муддатларда бажарилмаган ишлар учун белгиланган тартибда пеня ҳисобланади ва ундирилади.

1.5. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларига ижобий экспертиза хулосаси олинганидан сўнг 15 кун ичида 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Ушбу шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь. Кейинги йилга ўтувчи иш ҳажмлари учун қўшимча келишув имзоланади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Шартноманинг баҳоси **ҚҚС билан 427 138 836.00 (Турт юз йигирма етти миллион бир юз уттиз саккиз минг саккиз юз уттиз олти) сўми**ни ташкил қилади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги лойиҳа ишларини бажариш ва молиялаштириш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 15 кун ичида жорий йилда бажариладиган ишлар ҳажмидан 30% миқдоридан аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи ва Пудратчи томонидан топшириш-қабул қилиш ва бошқа лозим ҳужжатлар, далолатномалар расмийлаштирилгандан сўнг 15 кун ичида ажратилган аванс маблағи миқдори тўлиқ ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Лойиҳа-смета ҳужжатлари буюртмачи томонидан кўриб чиқилиб, пудратчи томонидан экспертизага тақдим этилгандан сўнг, жами ишлар ҳажмининг 70% фоиз миқдоригача тўлов учун қабул қилинади.

Объект бўйича ижобий экспертиза хулосаси олингандан ва 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлари Буюртмачига юк хати орқали тақдим этилгандан кейин қолган маблағ (муаллифлик назорати харажатларидан ташқари) топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, (мазкур шартноманинг 2.3-бандига асосан) молиялаштирилади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажариб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Пудратчига тўлаши ёки ишларнинг айрим босқичлари тугалланганидан кейин нархнинг тегишли қисmini тўлаши; тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг ёки бажарилган қидирув ишларининг камчиликлари

борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан кўзгатилган даъво аризасидан ишда қатнашишга Пудратчини жалб қилиши шарт.

3.2. Пудратчи Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиққандан сўнг, лойиха-смета ҳужжатларини экспертиза харажатларини қоплаб уни экспертизадан ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.3. Пудратчи лойиха ва қидирув ишларини бажариш учун топшириқдаги ва бошқа дастлабки маълумотлардаги талабларга риоя қилиши шарт ва буюртмачининг розилиги билангина улардан четга чиқишга ҳақли. Пудратчи ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топшириқ ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофиқ бажариши; тайёр бўлган лойиха-смета ҳужжатларини буюртмачи билан келишиб олиши, шунингдек; тайёр бўлган лойиха-смета ҳужжатларини ва қидирув ишлари натижаларини шартномада белгиланган муддатларда буюртмачига топшириши; буюртмачининг розилигисиз лойиха-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

3.4. Пудратчи лойиха-смета ҳужжатлари ва қидирув ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета ҳужжатларида ёки қидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариш, шунингдек, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

3.5. Пудратчи Лойиха ва қидирув ҳужжатлари асосида объект қурилиши жараёнида муаллифлик назоратини амалга оширади.

3.6. Шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланилган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилинишини кафолатлайди.

3.7. Истеъмолчи ушбу шартнома амалдаги бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш Лойиха-смета ҳужжатларини бажариш топшириқ талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Пудратчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.3. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Пудратчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмаслиқнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

4.4. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.5. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.6. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.7. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиха бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

5. Конфиденциалмаълумотларниҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Пудратчи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Қўшимча шартлар

6.1. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-бандига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади. Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Охангарон туманлараро Иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 15 (ун беш) кун муддатни ташкил этади.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортиш, шартномани бир тарафлама бекор қилиш мумкин эмас.

6.4. Пудратчи шартномада кўрсатилган ишларни бажариш учун, Буюртмачини ўрнатилган тартибда маълум қилган ҳолда, учинчи шахсларни ўрнатилган тартибда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

6.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

6.6. Буюртмачи томонидан топшириш-қабул қилиш ва бошқа лозим ҳужжатлар, далолатномалар расмийлаштирилгандан сўнг тўловлар билан боғлиқ ўз мажбуриятлари кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўланади, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.7. Пудратчи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва буюртмачига топшириш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.8. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.9. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

6.10. Мазкур шартнома томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунча қадар амал қилади.

6.11. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси (1-илова)
- Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни бажариш ва молиялаштириш жадвали (2-илова)

7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

“Буюртмачи”

Олмалиқ шаҳар Обдонлаштириш
бошқармаси

Олмалиқ шаҳри, Олмалиқ кўчаси -2

Тел: +99870 61 4-06-19

ИНН : 200 603 271

Х/р:401722860274047045201110003

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ҳазначилиги

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

МФО: 00014 ИНН: 201.122 919

МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ

Бошлиқ _____ К.Рахимов



“Пудратчи”

“AL-TOYIR-GROUP” МСҶ

Тошкент ш., Чилонзор т., Чилонзор 1, 6 уй, 4
кават, 5 офис

р/с.: 20208000805278968002

МФО: 01183 ИНН: 307715188

Банк: в Анор банк

ОКЭД: 41201

Код плательщика НДС: 326060129022

Бошлиқ _____ Асомиддинов Б



2022 йил "22" 06 даги
10/2022 -сонли шартномага 1-илова

Шартнома баҳосининг келишув

БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзо чекувчилар: комиссия раъиси К.К.Рахимов, комиссия котиби Б.Рахмонов, аъзолари М.Эргашева, А.Алижонов, Н.Абдулаков, М.Умаров объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил "22" 06 даги 10/2022 -сонли шартнома баҳоси жами ҚҚС билан 427 138 836.00 (Турт юз йигирма етти миллион бир юз уттиз саккиз минг саккиз юз уттиз олти) сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

“Буюртмачи”

Олмалиқ шаҳар Обдонлаштириш бошқармаси

Олмалиқ шаҳри, Олмалиқ кўчаси -2
Тел: +99870 61 4-06-19
ИНН : 200 603 271
Х/р: 401722860274047045201110003
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Ҳазначилиги
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919
МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ

Бошлиқ _____ К.Рахимов



“Пудратчи”

“AL-TOYIR-GROUP” MChJ

Тошкент ш., Чилонзор т., Чилонзор 1, 6 уй, 4
кават, 5 офис

р/с.: 20208000805278968002

МФО: 01183 ИНН: 307715188

Банк: в Анор банк

ОКЭД: 41201

Код плательщика НДС: 326060129022



2022 йил "22" 06 даги
10/2022-сонли шартномага 2 -илова

Олмалиқ шаҳар "Бустон" Маҳалла фуқаролар йиғини ички кўчаларини асфалтлаш (жорий таъмирлаш)

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

| № | Бажариладиган ишларнинг номи | Қиймати | Бажариш (Шартноманинг 1.4 банди асосида) | | Молиялаштириш (Шартноманинг 2.3 банди асосида) | |
|---|---|---------|---|----------|---|----------|
| | | | 2022 йил | 2023 йил | 2022 йил | 2023 йил |
| | Аванс маблағи | | | | | |
| 1 | Топография ва геология ишлари, диагностика ишлари, Атроф муҳитга таъсир баёни (ЗВОС), АПЗ тайёрлаш, Лойиҳа-смета ишлари, Экспертиза харажатлари | | | | | |
| 2 | Муаллифлик назорати | | | | | |
| | Жами ҚҚС билан: | | | | | |

Буюртмачи



Пудратчи





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"AL-TOYIR-GROUP" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"AL-TOYIR-GROUP" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

10.09.2020

890410

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

307715188

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, CHILONZOR-1, 6-UY, 4-QAVAT, 5-OFIS,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi)





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИСИ СИФАТИДА
РЎЙХАТДАН ЎТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА
ГУВОҲНОМА

СВИДЕТЕЛЬСТВО
О РЕГИСТРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА НАЛОГА НА
ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ

ҚҚС РЎЙХАТ РАҚАМИ
РЕГИСТРАЦИОННЫЙ НОМЕР НДС 326060129022

Мазкур гувоҳнома ҚҚС солиқ тўловчиси сифатида ҳисобга қўйилганлиги ва ҚҚС шахсий рўйхатга олиш рақами берилганлигини тасдиқлайди

Настоящее Свидетельство подтверждает постановку на регистрационный учет в качестве налогоплательщика НДС и присвоения индивидуального регистрационного номера НДС

Солиқ тўловчининг номи
Наименование налогоплательщика ООО "AL-TOYIR-GROUP"

Солиқ тўловчининг идентификация рақами
Идентификационный номер налогоплательщика 307715188

Шахс ҚҚС солиқ тўловчиси бўлган сана
Дата с которой лицо становится плательщиком НДС 10.09.2020

Рўйхатдан ўтиш санаси
Дата регистрации 30.10.2020



Маълумотномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер килинг.
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY

XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Shartnoma

3. Loyihaning mazmuni: Olmaliq shahar Obodonlashtirish boshqarmasi va "AL-TOYIR-GROUP" MCHJ o'rtasida Olmaliq shahar "Buston" Maxalla fuqarolar yig'ini ichki ko'chalarini asfaltlash (joriy ta'mirlash) bo'yicha shartnoma tuzish to'g'risida.

4. Loyiha haqida ma'lumot.

Ushbu shartnomaning umumiy qiymati 427.138.836 so'mni tashkil etadi. Shartnoma loyihasi Olmaliq shahar Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022-yil 22-iyun kuni Olmaliq shahar yuridik xizmat ko'rsatish markaziga VT51713347-sonli raqam bilan taqdim etilgan.

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi O'RQ-684-sonli "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonuni asosida o'rganib chiqildi.

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni, "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonuni va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 14-sentyabrdagi PF-6313-son Farmoni talablariga asosan ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bosh yuriskonsult



M.Ashurova

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 104432 на приобретение Олмалик ш. буйича 2022 йилда жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш буйича Манзилли руйхат асосида Олмалик шаҳар "Бустон" МФЙ ички кучаларини асфалтлаш (жорий таъмирлаш)

Способ проведения электронный

Дата 18.06.2022

Время рассмотрения 18.06.2022 12:28

Конкурсная комиссия Олмалик шаҳар Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|------------------------------|------------------------------------|------------------------------|-----------------|
| Председатель комиссии | RAXIMOV KUDRATJON KOMILOVICH | Рахбар | Комиссия раиси |
| Секретарь комиссии | RAXMANOV BAXTIYOR XALJURABEKOVICH | Бош мухандис | Комиссия котиби |
| Член комиссии | UMAROV MUZAFFAR ABDIVAXIDOVICH | Болим мухандиси | Комиссия аъзоси |
| Член комиссии | ABDULAKOV NURIDDIN MAXAMATKULOVICH | Техника хафсизлиги мухандиси | Комиссия аъзоси |
| Член комиссии | ALIJONOV ARSLONBEK DONIYOR O'G'LI | Мухандис | Комиссия аъзоси |
| Член комиссии | ERGASHEVA MUXLISA ABDIRAZOQ QIZI | Омбор мудираси | Комиссия аъзоси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.06.2022 года № лота 104432.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| Наименование товара (работы, услуги) | Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог |
| Подробное описание | Олмалик ш. буйича 2022 йилда жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш буйича Манзилли руйхат асосида Олмалик шаҳар "Бустон" МФЙ ички кучаларини асфалтлаш (жорий таъмирлаш) |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 444 260 000.00 |
| Стартовая сумма | 444 260 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иш тажрибаси

Тип: Бинарное значение

Описание: Олдинги бажарган объектлари буйича

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|------------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ООО FIRDAVS INVEST BUILDING | 20 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| УП TOSHKENT TUMAN YO'LLARDAN | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| TASH PROM STAL SERVIS MCHJ | 20 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| ООО AL-TOYIR-GROUP | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №2 Балансидаги мавжуд техникалари ва ишчи кучи

Тип: Бинарное значение

Описание: Балансидаги мавжуд техникалари ва ишчи кучи тугрисида маълумот

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|------------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ООО FIRDAVS INVEST BUILDING | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| УП TOSHKENT TUMAN YO'LLARDAN | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| TASH PROM STAL SERVIS MCHJ | 20 | 1 | 0 | Экспертная | | |
| ООО AL-TOYIR-GROUP | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Ишни бажариш муддати 10 кун

Тип: Бинарное значение

Описание: Курсатилган муддатдан ошмаслиги керак

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|------------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| ООО FIRDAVS INVEST BUILDING | 20 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| УП TOSHKENT TUMAN YO'LLARDAN | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| TASH PROM STAL SERVIS MCHJ | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| ООО AL-TOYIR-GROUP | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №4 Солик инспекциясидан карздорлик мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Асл нухаси

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| OOO FIRDAVS INVEST BUILDING | 20 | 1 | 0 | Экспертная | | |
| УП TOSHKENT TUMAN YO'LLARDAN | 20 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| TASH PROM STAL SERVIS MCHJ | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| OOO AL-TOYIR-GROUP | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №5 Пудратчининг моляивий холати банкдан айланма маблаглари тугрисида маълумотнома

Тип: Бинарное значение

Описание: Асл нусха

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| OOO FIRDAVS INVEST BUILDING | 20 | 1 | 5 | Экспертная | | |
| УП TOSHKENT TUMAN YO'LLARDAN | 20 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| TASH PROM STAL SERVIS MCHJ | 20 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| OOO AL-TOYIR-GROUP | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|-------------------------------------|-----------------|--------------------|------------------------|-------------------------|
| УП TOSHKENT TUMAN YO'LLARDAN | 444 260 000.00 | 431 356 978.00 | 16.06.2022 13:24:54 | 19.80 |
| TASH PROM STAL SERVIS MCHJ | 444 260 000.00 | 444 260 000.00 | 16.06.2022 13:36:56 | 19.23 |
| OOO AL-TOYIR-GROUP | 444 260 000.00 | 427 138 836.00 | 16.06.2022 13:40:18 | 20.00 |
| OOO FIRDAVS INVEST BUILDING | 444 260 000.00 | 440 625 093.77 | 15.06.2022 10:45:01 | 19.39 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|-------------------------------------|---------------------------------|--------------------------------|---------------|
| УП TOSHKENT TUMAN YO'LLARDAN | 56 | 19.80442 | 75.80442 |
| TASH PROM STAL SERVIS | 44 | 19.22923 | 63.22923 |

| | | | |
|-----------------------------|----|----------|----------|
| MCHJ | | | |
| OOO AL-TOYIR-GROUP | 80 | 20 | 100 |
| OOO FIRDAVS INVEST BUILDING | 32 | 19.38786 | 51.38786 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 104432 от 18.06.2022 года на приобретение Олмалик ш. буйича 2022 йилда жамоатчилик фикри асосида шакланган тадбирларни молиялаштириш буйича Манзилли руйхат асосида Олмалик шаҳар "Бустон" МФЙ ички кучаларини асфалтлаш (жорий таъмирлаш) определила победителем:

OOO AL-TOYIR-GROUP
307715188

и резервный исполнитель: УП TOSHKENT TUMAN YO'LLARDAN (305261978)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|-----------------------|---------------------------------------|-------------|-------------|
| Член комиссии | ERGASHEVA MUXLISA ABDIRAZOQ QIZI | Согласен | |
| Председатель комиссии | RAXIMOV KUDRATJON KOMILOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | UMAROV MUZAFFAR ABDIVAXIDOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | ABDULAKOV NURIDDIN MAXAMATKULOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | ALIJONOV ARSLONBEK DONIYOR O'G'LI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

“Тасдиқлайман”

Олмалик шаҳар Ободонлаштириш

Бошқармаси бошлиғи

К.К.Рахимов

2022 йил.



Йиғилиш баённомаси № 3

Олмалик шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси Олмалик шаҳар хоқимлигининг 2022 йил 21 апрельдаги 50-37-10-147-К/22-сонли қарори ва жамоачилик фикри асосида шаклланган тадбирлар буйича, Олмалик шаҳар “Бустон” МФЙ ички кўчаларини асфалтлаш (жорий таъмирлаш) учун ғолибни аниқлаш мақсадида 2022 йилнинг 10 июнда 22110012104432 лот рақамли Давлат харидлари махсус порталига эълон жойлаштирилган, бу лот (22110012104432) орқали УП “TOSHKENT TUMAN YO‘LLARDAN”, “TASH PROM STAL SERVIS”, ООО “AL-TOYIR-GROUP” ҳамда ООО “FIRDAVS INVEST BUILDING” МЧЖ корхоналари ўз таклифларини билдириб иштирок этишди. Эълон муддати 2022 йилнинг 17 июнда яқунланди ва тузилган комиссия аъзолари томонидан ООО “AL-TOYIR-GROUP” корхонасининг берилган талабларимизга мос равишда эканлиги кўриб чиқилди ва шу корхонага овоз берилиб, ғолиб деб эълон қилинди. Ғолиб аниқлангандан сўнг, 2 кун муддатда муҳокамада турганда бошқа корхоналардан ҳеч қандай эътирозлар билдирилмади. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда танлов комиссияси томонидан Олмалик шаҳар “Бустон” МФЙ ички кўчаларини асфалтлаш (жорий таъмирлаш) учун ООО “AL-TOYIR-GROUP” корхонаси билан шартнома тузишга қарор қилинди.

Комиссия аъзолари:

Раис:

К.Рахимов

Котиба:

Б.Раҳмонов

Комиссия аъзолари:

М.Умаров

М.Эргашева

А.Алижонов

Н.Абдуллаков



XALQ DEPUTATLARI OLMALIQ SHAHAR KENGASHINING Q A R O R I

2022 - yil 21 - aprel

VI-50-37-10-147-K/22

Olmaliq shahar hokimligi

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 13-apreldagi PQ-5072-sonli, 2022-yil 4-apreldagi PQ-197-sonli qarorlari va O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2021-yil 22 apreldagi KQ-213-IV-sonli qaroriga asosan, hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishga qaratilgan jamoatchilik fikri asosida shakllangan va ovoz berish yakuniga ko‘ra “g‘olib” takliflarni tanlab olish hamda ularga mablag‘ yo‘naltirish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 13-apreldagi “Budget jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta’minlash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-5072-sonli, 2022-yil 4-apreldagi PQ-197-sonli qarorlari va O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2021-yil 22-apreldagi KQ-213-IV-sonli qarorida belgilangan vazifalarning ijrosini tizimli ravishda tashkil qilib borish zarurligi va yuqoridagi qarorlardan kelib chiqqan holda, Xalq deputatlari shahar Kengashining 2022-yil 26-fevraldagi VI-48-16-10-147-K/22-son qarori va unga asosan hozirgi kunga qadar amalga oshirilgan ishlar yuzasidan ma’lumot berilib 2022-yil rejalari tasdiqlangan.

Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 13-apreldagi PQ-5072-sonli qaroriga muvofiq, Olmaliq shahariga fuqarolarni qiynab kelayotgan muammolar bo‘yicha takliflarni moliyalashtirish uchun mahalliy budgetning 2,5 foizi hamda mahalliy budgetning qo‘shimcha manbalari hisobidan jami bo‘lib 4 mlrd. 833.6 mln so‘m mablag‘ “Fuqarolar tashabbusi jamg‘armasi” maxsus g‘azna hisobvarag‘ida shakllantirilganligi Moliya vazirligi tomonidan ochilgan “Ochiq budget” (openbudget.uz) portalida 2022-yil 1-fevraldan 22-fevralga qadar bo‘lgan davrda shahar fuqarolari tomonidan jami 226 mlrd 623 mln

soʻmlik 328 ta taklif kiritilganligi va takliflar Ishchi komissiyaning 2022-yil 28-fevraldagi yigʻilishida ushbu takliflar komissiya aʼzolari tomonidan loyiha qiymatlari qayta koʻrib chiqilib;

154 mlrd 090 mln soʻmlik 173 ta taklif takroriy va belgilangan tartibga zid ekanligi, 1 mlrd 500 mln soʻmlik 2 ta taklif shaxsiy xarakterga ega ekanligi sababli rad etish hamda rad etilgan takliflar boʻyicha taklif bergan shaxsning shaxsiy kabinetiga rad etishning asoslangan sabablari toʻgʻrisida xabarnoma yuborilgan;

Tanlab olingan 44 mlrd 500 mln soʻmlik 92 ta takliflar, maʼsullar tomonidan qayta hisob-kitoblar qilinib, loyihalar miqdori 33 mlrd 960 mln soʻm qilib belgilangan holda, jamoatchilik oʻrtasida yigirma kun davomida ovoz berish jarayoniga ruxsat berildi va ovoz berish jarayoni joriy 5 martdan 1-aprelga qadar etib belgilangan edi.

Fuqarolar tomonidan ovoz berish jarayoniga ruxsat etilgan 92 ta taklifdan 26 tasiga jami 8 692 ta ovoz berildi.

Ovoz berish yakuniga koʻra, Moliya Vazirligining 2021-yil 6-sentabr kungi “Tuman va shaharlarda fuqarolar tomonidan bildirilgan takliflar asosida gʻoliblarni aniqlash yuzasidan” qoʻllanmasi talablari asosida jamgʻarmada shakllangan mablagʻ doirasida “**Eng koʻp**” ovoz olganlardan boshlab, pastga qarab, 11 ta taklif “**gʻolib**” deb topilib, ushbu takliflarning qiymati 4 mlrd 608,0 mln.soʻmni tashkil etmoqda.

Gʻolib takliflarni moliyalashtirish tegishlicha Xalq deputatlari shahar Kengashi tomonidan tasdiqlangan manzilli roʻyxat asosida amalga oshirilishi belgilangan.

Jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni amalga oshirish boʻyicha tuzilgan shartnomaga ishlar hajmining koʻpayishi yoki loyihaning oʻzgartirilishi bilan bogʻliq oʻzgartirishlar kiritilishiga yoʻl qoʻyilmaydi.

Jamgʻarmada ushbu mablagʻ ajratilgan taqdirda 225,6 mln soʻm mablagʻ qoldiq qolmoqda.

Shahar budjetning jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni moliyalashtirishga yoʻnaltirilgan mablagʻlarining belgilangan maqsadlarda va samarali foydalanilishi hamda mablagʻlarning ajratilishi uchun taqdim etiladigan barcha hujjatlarning haqqoniyligiga Ishchi komissiya aʼzolari shaxsan javobgarligi eslatib oʻtildi.

Kun tartibidagi masalalarni ko'rib chiqib, Xalq deputatlari Olmaliq shahar Kengashi

QAROR QILADI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 13-apreldagi "Budget jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-5072-sonli va Oliy Majlisi Senati Kengashining 2021-yil 22- apreldagi KQ-213-IV-sonli qarorida belgilangan vazifalarning ijrosi yuzasidan Olmaliq shahar Moliya bo'limi mudiri Dilmurod Umarovning hisoboti ma'lumot va ijro uchun qabul qilinsin.

2. Komissiya a'zolari o'z xulosalariga asosan:

Moliya Vazirligining 2021-yil 6-sentabrdagi "Tuman va shaharlarda fuqarolar tomonidan bildirilgan takliflar asosida g'oliblarni aniqlash yuzasidan" qo'llanmasi talablari hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 4-apreldagi PQ-197-sonli qarori asosida "**Eng ko'p**" ovoz olgan, 11 ta taklif "g'olib" deb topilib, ushbu takliflarning qiymati 4 mlrd 608,0 mln so'm miqdorida **1-ilovadagi** manzilli ro'yhat asosida tasdiqlansin va ijro uchun qabul qilinsin.

Jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni amalga oshirish bo'yicha tuzilgan shartnomaga ishlar hajmining ko'payishi yoki loyihaaning o'zgartirilishi bilan bog'liq o'zgartirishlar kiritilishiga yo'l qo'yilmaydi.

Belgilab qo'yilsinki,

Jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni amalga oshirish bo'yicha tuzilgan shartnomaga ishlar hajmining ko'payishi yoki loyihaaning o'zgartirilishi bilan bog'liq o'zgartirishlar kiritilishiga yo'l qo'yilmasin;

Buyurtmachi tashkilotlar ajratilgan mablag'larni, loyiha-smeta hujjatlari asosida belgilangan tartibda maqsadli ishlatilishini va amalga oshirilgan ishlar bo'yicha Xalq deputatlari shahar Kengashi va shahar hokimligi huzuridagi ishchi guruhga har 15 kunda ma'lumot kiritib boradi.

3. Shahar hokimli Moliya bo'limi (D.Umarov) shahar hokimligi axborot xizmati (D.Ro'ziyeva) bilan birgalikda jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan va "g'olib" deb topilgan tadbirlarning moliyalashtirishi hamda amalga oshirilishi lozim ishlar bo'yicha ma'lumotlarni keng jamoatchilikka muntazam yoritib borilishini ta'minlasin.

4. Shahar hokimligi Moliya bo'limi (Moderator:D.Abdugaxorov) ma'lumotlarni belgilangan tartibda "Open budget" portaliga joylashtirilib borilishini ta'minlasin.

5. Shahar budjetining jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni moliyalashtirishga yo'naltirilgan mablag'larining belgilangan maqsadlarda va samarali foydalanilishi hamda mablag'larning ajratilishi uchun taqdim etiladigan barcha hujjatlarning haqqoniyligiga Ishchi komissiya a'zolari shaxsan javobgarligi eslatib o'tilsin.

6. Mazkur qaror ijrosini nazorat qilish Xalq deputatlari Olmaliq shahar Kengashining Mahalliy byudjet, iqtisodiy isloxlarni amalga oshirish, investitsiyalar va tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari bo'yicha doimiy komissiyasi raisi Sh.Ziyaxojayev zim.masiga yuklatilsin.

Kengash rahbari



Q.Xandamov

Xalq deputatlari Olmaliq shahar Kengashining
2022 yil 21 apreldagi
VI-50-37-10-147-K/22-son qaroriga
I-ilova

Olmaliq shahar bo'yicha 2022 yilda jamoatchilik fikri asosida shakllangan tadbirlarni moliyalashtirish bo'yicha

MANZILLI RO'YXAT

mln.so'mda

| № | G'olib taklif ma'lumotlari | | Amalga oshirishning aniqlangan qiymati | Xaqiqatda ajratilgan* | (FTJ, qo'shimcha manbaa, byudjet parametri) | Buyurtmachi tashkilot |
|---|--|--|--|-----------------------|---|--|
| | Taklif ID raqami | Qisqacha mazmuni | | | | |
| | "Fuqorolar tashabusi jamg'armasi" da shakllangan mablag' | | | 4 833.6 | X | X |
| I | 1780400006 | Olmaliq shahar 20-sonli IDUM interaktiv doskalar sotib olish | 250.0 | 250.0 | Fuqorolar tashabbusi jamg'armasi | Olmaliq shahar Xalq ta'limi bo'limi mudiri |

| | | | | | | | | |
|----|------------|---|-----|-------|-------|-------|----------------------------------|---|
| 6 | 1780400007 | Olmaliq shahar Bo'ston MFY ichki ko'chalarini asfaltlash | 261 | 458.0 | 458.0 | 458.0 | Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi | Olmaliq shahar hokimligi Obodonlashtirish boshqarmasi |
| 7 | 1780400024 | Olmaliq shahar Bag'aro MFY Metallurg ko'chasida biton yo'laklar qurish (trotuar) | 193 | 600.0 | 600.0 | 600.0 | Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi | Olmaliq shahar hokimligi Obodonlashtirish boshqarmasi |
| 8 | 1780400148 | Olmaliq shahar 8-umumta'lim maktabining binosi xojaxonasini ta'mirlash | 192 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi | Olmaliq shahar Xalq talimi bo'limi mudiri |
| 9 | 1780400326 | TDTU Olmaliq filiali o'quv binosini joriy ta'mirlash | 176 | 400.0 | 400.0 | 400.0 | Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi | Olmaliq shahar hokimligi |
| 10 | 1780400303 | Olmaliq shahar Tinchlik MFY Chirchiq ko'chasiga transformator o'rnatish va ko'cha chiroqlarini ta'mirlash | 141 | 400.0 | 400.0 | 400.0 | Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi | Olmaliq shahar hokimligi Obodonlashtirish boshqarmasi |

43, 21.10.220-00004

| | | | | | | | |
|---|------------|---|------|---------|---------|----------------------------------|--|
| 2 | 1780400062 | Olmaliq shahar 5-umumta'lim maktabini jihozlar bilan ta'minlash | 2755 | 500.0 | 500.0 | Fuqarolar tashabbusi jang'armasi | Olmaliq shahar Xalq ta'limi bo'limi mudiri |
| 3 | 1780400020 | Olmaliq shahar 5-umumta'lim maktabining sport zali, gimnastika zali va futbol maydonini rekonstruksiya qilish | 633 | 500.0 | 500.0 | Fuqarolar tashabbusi jang'armasi | Olmaliq shahar Xalq ta'limi bo'limi mudiri |
| 4 | 1780400067 | Olmaliq shahri Axborot-kutubxonani joriy ta'mirlash va yangi uskunalar bilan mustahkamlash. | 594 | 1,000.0 | 1,000.0 | Fuqarolar tashabbusi jang'armasi | Olmaliq shahar Axborot-kutubxona markazi |
| 5 | 1780400117 | Olmaliq shahar 9-umumta'lim maktabining informatika xonasi, ingliz tili xonasini jixozlash | 320 | 200.0 | 200.0 | Fuqarolar tashabbusi jang'armasi | Olmaliq shahar Xalq ta'limi bo'limi mudiri |

| | | | | | | | |
|------------------------------------|------------|---|----------------|----------|----------|----------------------------------|--|
| 11 | 1780400313 | Olmaliq shahar Xamza MFY Extirom ko'chasini 93 obodonlashtirish | 200.0 | 200.0 | 200.0 | Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi | Olmaliq shahar hokimlig'i Obodonlashtirish boshqarmasi |
| Jami yo'naltirilgan mablag' | | | 4 608.0 | X | X | X | X |
| Taqsimlanmagan mablag' | | | 225.6 | X | X | X | X |



Олмалиқ шаҳар бўйича 2022 йилда жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молназаротириш бўйича МАНЗИЛЛИ РҲЙХАТ

минг сумда

| № | Ғолиб таклиф маълумотлари | | | Амалга оширишнинг аниқланган қиймати | Ҳақиқатда ажратилган* | Молиялаштириш манбаси (ФТЖ, қўшимча манба, бюджет параметри) | Бююртмачи ташкилот |
|---|---------------------------|--|------------------------|--------------------------------------|-----------------------|--|---|
| | Таклиф ID рақами | Қисқача мазмуни | Туплаган овозлари сони | | | | |
| "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шаклланган маблағ | | | 8,383.0 | 4,608,000.0 | 4,608,000.0 | X | X |
| 1 | 1780400006 | Олмалиқ шаҳар 20-сонли ИДУМ интерактив доскалар сотиб олиш | 3025 | 250,000.0 | 250,000.0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Олмалиқ шаҳар Халқ таълими бўлими мудири |
| 2 | 1780400062 | Олмалиқ шаҳар 5-умумтаълим мактабини жиҳозлар билан таъминлаш | 2755 | 500,000.0 | 500,000.0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Олмалиқ шаҳар Халқ таълими бўлими мудири |
| 3 | 1780400020 | Олмалиқ шаҳар 5-умумтаълим мактабининг спорт зали, гимнастика зали ва футбол майдонини реконструкция қилиш | 633 | 500,000.0 | 500,000.0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Олмалиқ шаҳар Халқ таълими бўлими мудири |
| 4 | 1780400067 | Олмалиқ шаҳри Ахборот-кутубхонани жорий таъмирлаш ва янги усқуналар билан мустаҳкамлаш. | 594 | 1,000,000.0 | 1,000,000.0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Олмалиқ шаҳар Ахборот-кутубхона маркази |
| 5 | 1780400117 | Олмалиқ шаҳар 9-умумтаълим мактабининг информатика хонаси,инглиз тили хонаси жиҳозлаш | 320 | 200,000.0 | 200,000.0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Олмалиқ шаҳар Халқ таълими бўлими мудири |
| 6 | 1780400007 | Олмалиқ шаҳар Бустон МФЙ ички кучаларини асфальтлаш | 261 | 458,000.0 | 458,000.0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси |
| 7 | 1780400024 | Олмалиқ шаҳар Бағаро МФЙ Металлург кучасида битон йулаклар қуриш (тротуор) | 193 | 600,000.0 | 600,000.0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси |

| № | Ғолиб таклиф маълумотлари | | | Амалга оширишнинг аниқланган қиймати | Хақиқатда ажратилган* | Молниялаштириш маибаси (ФТЖ, қўшимча маиба, бюджет параметри) | Буюртмачи ташкплот |
|------------------------------|---------------------------|--|------------------------|--------------------------------------|-----------------------|---|---|
| | Таклиф ID рақами | Қисқача мазмуни | Туплаган овозлари сони | | | | |
| 8 | 1780400148 | Олмалик шаҳар 8-умумтаълим мактабининг биноси хожат хонасини таъмирлаш | 192 | 100,000.0 | 100,000.0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Олмалик шаҳар Халқ талими бўлими мудир |
| 9 | 1780400326 | ТДТУ Олмалик филиали укув биносини жорий таъмирлаш | 176 | 400,000.0 | 400,000.0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | ТДТУ Олмалик филиали |
| 10 | 1780400303 | Олмалик шаҳар Тинчлик МФЙ Чирчик кучасига трансформатор урнатиш | 141 | 400,000.0 | 400,000.0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Олмалик шаҳар хокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси |
| 11 | 1780400313 | Олмалик шаҳар Ҳамза МФЙ Эхтиром кучасини ободонлаштириш | 93 | 200,000.0 | 200,000.0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Олмалик шаҳар хокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси |
| Тақсимланмаган маблағ | | | | | 225,635.0 | X | X |

Олмалик шаҳар хокимининг 1-ўринбосари

Олмалик шаҳар хокимининг ўринбосари

Олмалик шаҳар хокимининг ўринбосари

Олмалик шаҳар хокимининг маҳалла ва онла буйича ўринбосари

Олмалик шаҳар хокимлиги молния бўлими мудир

Олмалик шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси бошлиги

Олмалик шаҳар Халқ таълими бўлими мудир в.в.б

У.Шаумаров

Қ.Ражапов

С.Ахмедов

Ж.Камолов

Д.Умаров

Қ.Рахимов

Ш.Мавлонов

